Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 2 (2024) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiq... DOI: 10.5281/zenodo.24317269

Ўзбекистон агросаноат мажмусида логистика тизимини ривожлантириш.

Холматов Диёрбек Усмонович.
Андижон кишлок хужалиги ва агротехнологиялар институти
“Агробизнес ва маркетинг”кафедраси ассистенти.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакатида миллий иқтисодиётининг тараққиёт даражаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг қай тарзда ҳал этилиши, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамланишига энг аввало озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш орқали эришилади. Мамалакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш эса кўп жиҳатдан агаросаноат мажмуасининг, хусусан унинг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, маҳсулотларни етиштиришнин гфизик ҳажм-миқдор кўрсаткичларига, қайта ишлаш саноатининг мавжуд шароитларига, тармоқ маҳсулотларининг сифати, уларнинг сақланиши, агротехнологик жараёнларни талаб даражасида ташкил этилиши,шунингдек, аграр бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг узлуксизлигини ва доимийлигини таъминланганлик даражасига боғликдир.

Мамлакатимиз томонидан ўтган йиллар давомида озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш борасида бир қатор кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, аграр соҳага ички ва ташқи инвестицияларни жалб этган ҳолда,замонавий технологияларни мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ишлаб чиқариш технологик базасининг янгиланиши эвазига ички бозорни сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилиб, қайта ишлаш саноатида мазкур тармоқ улушининг тобора ошишига замин яратди. Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиш суръати йилига ўртача 9-10 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга маҳсулотнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Сўнгги 5 йилда мамлакатда озиқ-овқат соҳасини жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш унинг хом ашё базасини кенгайтириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди. Жумладан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,6 бараварга, гўшт маҳсулотлари–1,4 бараварга, сут маҳсулотлари – 1,4 бараварга ошди. Бугунги кунда республикада 9760 дан ортиқ озиқ-овқат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Йилига

Published: 28.03.2024

Cite this article: Холматов Диёрбек Усмонович (2024). Ўзбекистон агросаноат мажмусида логистика тизимини ривожлантириш. Emro Science and Education, 1(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317269

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ўртача 1,74 млн.тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга бўлган 270 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, шунингдек, 479 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга совутиш камералари билан жиҳозланган 994 тазамонавий сиғимлар мавжуд[29].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-банди, яъни «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”га мувофиқ, Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 2,3бараварга, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 2 бараварга ошиши таъминланди.

Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, логистика ва экспорт қилиш инфратузилмасини яратиш мақсадида тижорат банклари орқали Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молия институтларининг 650 млн.доллар миқдоридаги имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилган.Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ҳамда глобализация жараёнларини кучайиб бориши, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги соҳага замонавий инновацион техника ва технологиялар жалб этилиши натижасида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар саноат корхоналари томонидан жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаб чиқарилмоқда.Шунга қарамай ҳозирда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талаб даражасида сақлаш, уларнинг етказиб бериш ва реализация қилиш, маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини ошириш,маҳсулотларни бозор сиғими мувозанатини доимийлигини таъминлаш ҳамда улар борасида ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд. Улар жумласига фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш тармоқ бўйича логистик тизимининг етарли даражада ривожланиши, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш талаблари тўғрисида маълумотлар оммага

[29]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: www.stat.uz.

тўлиқ етказилиши даражаси ҳамда сақлаш ва ташиш талаблари белгиланган миллий стандартларнинг халқаро меъёрлар билан мувофиқлаштирилмаганлиги, жумладан, сифатини яхшилаш ва уларнинг жаҳон талаблари даражасига етказишни таъминлаш имкониятини берувчи механизм ва тузилмаларнинг талаб даражасида эмаслиги ёки мавжуд бўлганлари тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги ва бошқаларни киритиш мумкин.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016 — 2020 йилларда мевасабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш,уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш в экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида:

- келажакда янги ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўладиган талабларни аниқлаш бўйича тизимли асосда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек янги сотиш бозорларини ўзлаштиришда маҳаллий экспортёрларга кўмаклашиш;


- жойларда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ихтисослашган комплекс савдологистика марказлари, шунингдек музлатиш қувватларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- мева, сабзавот, полиз ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш, божхона расмийлаштируви ва уларни юклаб жўнатиш бўйича ҳисобот тақдим қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тезкор кўриб чиқиш;

- экспорт қилинадиган янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича кўзда тутилган прогноз параметрларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб боришни ташкил этиш;

- зарур ҳолларда, мазкур қарор билан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш жараёни логистикасини ички ваташқи бозорлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ички бозорда логистика тизими асосан автомобиль ҳамда темир йўл транспортидан ташкил топади. Ташқи бозорда логистика жараёнида автомобиль транспортининг махсус турларидан,шунингдек темир йўл ва ҳаво йўлларидан кенг фойдаланилади.

1-расм. Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари



Юқорида қайд этилганидек, агрологистика ўта мураккаб тизим бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги барча ҳаракат жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, ҳар бир логистика йўналиши ўзининг хусусиятига эга эканлигини, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ҳар бир логистик тизимни фаолияти тармоқ маҳсулотлари хусусиятларидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир логистик самарадорлигининг йиғиндисидан эмас,балки уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Агросаноат мажмуаси ва унинг асосий тармоғи ҳисобланувчи қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг устувор сектори саналалиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари бевосита таъсир кўрсатади Агросаноат мажмуаси тараққиёти қишлоқ хўжалиги секторида банд бўлган қишлоқ аҳолиси фаровонлиги даражаси; аҳолига сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш; иқтисодий хавфсизлик ва давлат экспорт салоҳияти, ва бошқаларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шунинг учун, бозор муносабатлари шароитида ва умуман ҳар қандай мамлакатга хос бўлган интеграцион жараёнларнинг ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиш масаласи муҳим аҳамият касб

етади. Замонавий илмий тадқиқотларда мамлакатимиз олимларнинг қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини ошириш муаммосини ҳал этиш йўналишлари ва йўлларига оид бир қатор ишланмалари келтирилган. Уларнинг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга, яъни сифат ва нарх омилларидан тааллуқлидир. Бироқ моддий оқимлар (ишлаб чиқариш ва товар заҳиралари-уруғ, ўғит, озуқа, экин ва чорвачилик саноати маҳсулотлари ва бошқалар) нинг етказиб берувчилардан ўз истеъмолчиларига бўлган ҳаракатини оқилона ташкил этиш масалаларига етарли эътибор қаратилмаган. Бугунги шароитларда логистика ёндашувидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Логистик ёндашув изчиллик тамойилига асосланган бўлиб, улар ҳаракатининг умумий харажатларини минималлаштириш мақсадида моддий ва кузатувчи оқимлар ҳаракати бўйича фаолиятни ташкил этишни таъминлайди. Логистик ёндашувдан фойдаланиш тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигига ва демакки уларнинг рақобатбардошлигига боғлиқдир ва бевосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги: омбор логистикаси, транспорт менежменти, молиявий менежмент, маркетинг фаолияти, корхона имиджининг PR тизимлари, сотиш рентабеллиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва бошқалар каби омилларнинг синергетик ўзаро таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, логистика замонавий хўжалик юритувчи субъектнинг қишлоқ жойларда рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Моддий оқимларни бошқаришдаги жаҳон тажрибасини ўрганиш логистик ёндашувни қўллашнинг пировард самараси қуйидагича кўриниш олишини белгилаб олиш имконини беради:

- ишлаб чиқариш тўғридан-тўғри бозорга йўналтирилади. Бу самарали кичик ва индивидуал ишлаб чиқаришга ўтиш имконини беради;
- таъминотчилар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилади;
- асосий воситалардан фойдаланишдаги узилишларга барҳам берилади.Зарур хом ашё, материалларнинг доимий иш жойида мавжудлиги таъминланади.
- ишлаб чиқилган маҳсулот сифати ортади;
- ишлаб чиқариш цикли узлуксизлиги таъминланади ва харажатлар минималлаштирилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарирақобатбардошлигини ошириш учун логистик ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи асосий омиллар икки гуруҳга - ташқи ва ички гуруҳларга бўлиш мумкин. Улар орасида, бу борадаги етакчи экспертларнинг баҳолашларига кўра, қуйидаги кўрсатиганлар етакчи ўрин тутади:

1)ташқи омиллар гуруҳига кирувчи омиллар:

- мавжуд рақобатчилар агрессив сиёсати – респондентларнинг 73%и;
- бозорга янги кучли рақобатчилар келиши – респондентларнинг 30%и;
- хизмат даражаси жиҳатидан асосий мижозлар талабларининг ўзгариши – респондентларнинг 95%и;
- олдиндан белгиланган эҳтиёжларини аниқлиги билан боғлиқ етказиб берувчилар шартлари – респондентларнинг 42% ;
- таъминотчиларга қарамлик – 23% респондентлар;

2) ички омиллар гуруҳига кирувчи омиллар:

- бошқарув тизимининг ўзгариши – 50% респондентлар;
- харажатларни камайтириш бўйича заҳираларини излаш – 80% респондентлар.

Моддий ва ёндош оқимлар (молиявий, ахборот ва бошқалар) ҳаракатини ташкил этишда логистик ёндашувдан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги корхоналаридан, биринчи навбатда, логистика мажмуаси таркибий қисмларида хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган самарали логистика инфратузилмасини шакллантиришни талаб этади. Бундай турдаги логистика инфратузилма логистиканинг барча субъектлари ўртасида интеграцияни таъминлаши зарур(1-расм).

Агросаноат мажмуасининг логистика инфратузилмаси бир қатор хусусиятларга эга:

- унинг маҳсулотлари моддий шаклга эга эмас(хизмат кўрсатиш), шунинг учун уларни сақлаш ва тўплаш мумкин эмас;

- логистика инфратузилмаси фаолиятининг самараси унинг чегарасидан ташқарида, яъни хизмат кўрсатадиган тармоқларда намоён бўлади;

- ривожланиш даражаси асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан белгиланади;

- кўпгина логистика инфратузилмаси объектларининг ҳаракатчанлиги ва маневрлиги жуда паст (хусусан, омбор иншоотлари).

Агрологистика инфратузилмасининг марказий элементи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ сотиш, якуний ва қайта ишлаш ҳамда уни хом-ашё сифатида ишлатадиган саноатнинг бошқа корхоналари учун бир қатор хизматларни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратувчи ва таклиф этувчи агрологистика марказлари бўлиши лозим

Агрологистик марказлар моддий, ахборот ва молиявий оқимларнинг ҳаракатини бошқариш, шунингдек, логистик оқимларининг истеъмолчилар томонга ҳаракатини таъминлаш маҳсулотларни сақлаш, ташиш ва ҳужжатлаштириш амалга ошириладиган махсус объектлар, таъбир жоиз бўлса интеграция ҳужайралари деб аталади.

2-расм. Агрологистик инфратузилмадан фойдаланишнинг интеграцион жараёнлари иштирокчилари




Агрологистика маркази (АЛМ) остида, биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш учун пул ва вақт харажатларни камайтиришга ёрдам беради бир қатор логистика хизматлар билан таъминлаш шунингдек, ички ва ташқи бозорларда уларнинг маҳсулот сифати ва корхона ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат қилиш учун мўлжалланган, маълум бир ҳудудида қишлоқ жойларда жойлашган ихтисослашган корхоналарни тушунамиз.Техник жиҳатдан агрологистика маркази (АЛМ) омбор ва транспорт иншоотларига, шунингдек, офис бинолари, муҳандислик-техник коммуникациялар ва ҳ.к. бўлинган бино ва иншоотлар мажмуи ҳисобланди. Бундай АЛМ ларни йўл, темир йўл, сув ва бошқа йўналишлар, терминаллар ва бошқаларга яқин жойларга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

АЛМнинг алоҳида хусусияти унинг марказ иштирокида ўз фаолиятини юритишни истаган янги қишлоқ хўжалиги обектлари учун очиқлиги ва барча мижозлар учун ишлаб чиқариш обектларининг мавжудлигидан иборат

(уларнинг кўламидан қатъий назар).Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда агрологистик марказни шакллантириш жараёнини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).

3-расм. Агрологистик марказ(АЛМ)ни яратиш алгоритми ва босқичлари



Агрологистик марказни шакллантириш жараёни давлатнинг бевосита иштироки руй бериши ва бу режалаштириш босқичидан, яъни соҳада фаолиятни тартибга солиш учун меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш

тортиб, лойиҳани амалга ошириш (махсус давлат дастурларидан фойдаланиш орқали, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида логистика фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги) ва ишга туширишга қадар давом этиши кўзда тутилади. АЛМларни қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши сифатида давлат заҳираси учун харид килинадиган маҳсулотлар, айнан шу тизим орқали ўтиши мақсадга мувофивиқ. Ушбу расмдан кўриниб турибдики, АЛМ яратиш лойиҳасида иштирок этиш учун хусусий ва давлат секторлари, турли тармоқлар ва ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги кўплаб иштирокчилар жалб этилади.

Ҳар бир иштирокчига ишнинг бориши, бажарилган вазифалар ҳажми ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш орқали АЛМ яратиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш таклиф этилади.

Агрологистик марказнинг вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ички ва ташқи бозордаги самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беришдан иборат. Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш моддий, товар ва ахборот оқимларини ўз истеъмолчиларига тақдим этиш учун сарфланадиган харажат ва вақтни минималлаштиришга қаратилган ва юқори малакали мутахассислар томонидан кўрсатиладиган логистик хизматлар орқали эришилади. Ушбу миссияни бажаришга эришиш учун қуйидаги мақсад ва вазифаларни бажариш талаб этилади:

- қишлоқ жойларда муҳандислик-техник инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш ва рағбатлантириш, комплекс логистика хизматларини самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва маркетинг жараёнининг хусусиятларидан хабардор бўлган, логистика фаолияти соҳасида юқори малакали мутахассисларни танловини ўтказиш, танлаб олиш ва ишга қабул қилишни ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан яқин ва барқарор интеграцион алоқаларни ўрнатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор харидорларни излаб топиш;

- маҳсулот ва унинг сифат кўрсаткичларини транспортировка давомида минимал йўқотишлар билан етказиб берувчи,маҳсулотларни ташиш, сақлаш бўйича ишлаб чиқарувчиларга сифат хизмат кўрсата оладиган транспорт ва омбор муассасаларини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг аутсорсинг логистика хизматларининг ихтисослашган тузилмалар бўйича афзалликлари ҳақида хабардорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг ҳолати ва тенденциялари, талаб, таклиф, нархлар динамикаси ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар жамланган ахборот базасини шакллантириш. Таъминотчилар, харидорлар ва транспорт компанияларининг маълумотлар базаларини яратиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун логистика хизматларини излаш ва ташкил этиш учун сарфланадиган вақтни камайтиради.

Кейинги босқичда агрологистик марказ иштирокчилари рўйхати аниқлангандан сўнг унинг фаолият доираси, ваколатлар тақсимоти ва ташкилий бошқарув тузилмасини шакллантириш амалга оширилади. Бу агрологистика маркази ва бошқа манфаатдор томонлар, ҳам иштирокчилари учун юқори сифатли логистика хизматларини тақдим этишни, танспорт, омбор ва бошқа логистика хизматлари учун талабни кенгайтириш, потенциал мижозларни танлаб олиш, уларга кўмак бериш, юқоридан санаб ўтилган саъй-ҳаракатларини жамлаган ҳолда харажатларни камайтириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати

1.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Халқ сўзи, 2017 йил 2 февраль.

3.“Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 5 октябрь 2016 йил.

4.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентиШавкатМирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномаси// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

5.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг“2017–2021йилларданЎзбекистонРеспубликасиниривожлантиришнингбештаустуворйўналишибўйичаҲаракатларстратегиясиникелгусидаамалгаоширишчора-тадбирларитўғрисида”гиФармони.2017йил15 август.

6.Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи,2020 йил 20 май. // Халқ сўзи,2019 йил 25 октябр.

7.Адылова З.Д. Халқаро бозорларда маркетинг стратегияси: назария ва амалиёт. –Т., 2009. -282 б.

8.Ансофф И. Стратегическое управление / Пер. с. англ. – М.: Экономика, 2002.

9.Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. - СПб.: Питер, 2006.

ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА: РЕАЛЬНО ЛИ ДЕДОЛЛАРИЗАЦИЯ

К.К.Нумонов – к.э.н., доцент, АндИСХА
Р.Р.Солиев- ассистент, АндИСХА

В настоящее время использование иностранной валюты (в основном доллара США) преимущественно перед национальной валютой помимо международных расчетов внутри республики создает серьезные проблемы перед национальной экономикой. Это проявляется в снижении уровня экономического развития, минимизации доходности бюджетов, что снижает размеры вложений в важные отрасли экономики и социальной сферы, предотвращает монетарных методов контроля инфляции, повышении волатильности обменного курса и стимулировании теневой экономики. Вдобавок к этому необходимо отметить, что все средства, которые накапливаются в иностранной валюте не могут быть использованы в реальном экономическом процессе, что приводит к снижению экономического роста, стагнации производства.

Здесь возникает вопрос, какие факторы повлияли на то, чтобы уровень долларизации экономики республики оказалось очень высокими на сегодняшний день? И самое главное, какими способами возможно снизить негативное влияние иностранной валюты на национальную экономику?

В республике за годы независимости старались чтобы денежно-кредитная и финансовая политика нацеливались на то, чтобы обеспечить твердый устойчивый обменный курс сума по отношению другим иностранным валютам, в первую очередь к доллару, не допустить роста цен и инфляции, снизить дефицита государственного бюджета, в общем на все что в целом называется денежно-финансовой стабилизацией. Это вроде верное направление. Но с